

Советлар даври таквимида 7 ноябр кизил билан белгиланган ва меҳнаткашлар учун дам олиш куни бўлса-да, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари тўлиқ жанговор ҳолатда турарди. Аммо айнан ушбу санада, Октябр инқилоби нишонланаётган навбатдаги тадбирда мамлакатнинг биринчи шахсига суикасд уюштирилди.

КГБ ходимлари, ҳарбийлар ҳамда милиция отрядлари ниҳоятда хушёр туришганди. Лекин кўп минг сонли намоёнчиларнинг кўз ўнгида СССРнинг биринчи ва охириги президенти Михаил Горбачевга қарата ўқ узилди. Бу воқеа 1990 йилда содир бўлганди. Президентни отишга аҳд қилган шахс Санкт-Петербурглик чилангар, Простоквашина микрорайонидаги завод ётоқхонасида яшовчи Александр Шмонов эди.

Ўша пайтлари бутун мамлакатда кенг қулоч ёйган қайта қуриш ва плюрализмдан одамларнинг ҳафсаласи пир бўлганди. Ривожланиш ва тараккиёт ўрнига мамлакат таназзулга юз тутаётганди. Одамлар орасида эса мамлакат раҳбарияти тутаётган сиёсатдан норози бўлганлар кўпчилиқни ташкил этарди. Александр Шмонов ҳам ана шу тоифадаги одамлардан бири бўлган.

Одатдагидек, йирик тадбир муносабати билан мавзолей алвон гуллар билан безатилган, партиянинг етакчилари учун ажратилган трибунанинг қок марказида Михаил Горбачев турарди. У намоёнчиларга қарата табассум қилар, қўлини хавода силқитиб саломлашиб кўярди. Минглаб одамлар орасидаги террорчи нишонга олаётганини у табиийки, кўрмаган. Аммо Шмонов барибир, президентни нишонга олишга муваффақ бўла олмади. Катта сержант Мътников охириги секундда стволни юқорига кўтариб юборишга улгурди. Ўқ Горбачевнинг ёнгинасидан ўтиб кетди. Хавфсизлик ходимлари эса кўз очиб юмгунча, террорчини ерга йикитишди.

ТАКЧИЛ НЕМИС МИЛТИГИ

Камокка олинган Шмонов терговчиларга барчасини, жумладан, суикасдни амалга ошириш учун алоҳида қучли патрон тайёрлаганини гапириб берган. У ўқ узган милтик ҳам энг яхши қуроллардан бири бўлиб, ўша пайтлар учун ниҳоятда ноёб бўлган бу матохнинг нархи 900 рубль турган. Намоёнчилар орасига суқилиб қирган пайтда милтигини пальтосининг остига яшириб олган. Ясама соч қийиб, мўйлов ёпиштириб, қария сифатида ўзини никоблаган. Қўлга олинганидан сўнг Шмоновнинг шимининг чўнтагидан ўлим олдидан ёзилган хат чиккан. Унда қуйидаги сўзлар битилган эди: «Агар ўлган тақдиримда, шуни маълум қиламанки, мен СССР президенти М.С.Горбачевни ўлдиришга ҳаракат қилган эдим».

Александр Шмонов тажовузни амалга оширишга муваффақ бўлиб, Горбачевга қарата ўқ узган тақдирда ҳам ўқ унинг танасига етиб бориши гумон эди. Негаки, президент илмий текшириш институтларидан бирида ясалган, алоҳида пўлатдан ишланган ўқ ўтмас жилет қийиб олганди. Бу давлат сирини ҳам яқин вақтларгача ниҳоятда сир тутиб қелинди.

Муаллиф:

03.10.2010 22:44 - Янгиланди 22.11.2010 06:08

Давлат амалдорлари учун мўлжалланган «Визит «М» жилети нихоятда ишончли бўлиб, ўк, граната ва мина осколколари хамда совук куроллардан химоя килишга мўлжалланган. Ушбу бронезилетнинг огирлиги 0,9 дан 3,2 килограммгача бўлган.

—Хакикатан хам бизнинг институтда СССРнинг биринчи президенти учун ҳукумат классидаги бронезилет тайёрланган эди, — дея хикоя килади институтнинг ахборот бўлими бошлиги Евгений Чистяков. —"Бундан ташқари, Раиса Горбачева учун хам ушбу жилетнинг эксклюзив варианты ишланганди. У коматга шу қадар мос тарзда ишланган эдики, ҳеч бир кимса мамлакатнинг биринчи рақамли ледиси эlegant кўйлагининг ичидан бронезилет кийиб олганини сезмасди. Биз буюртмачилардан ҳеч бўлмаса, ўлчовларни маълум килинглари деганимизда улар сизлар хам телевизор кўрасизлар-ку, унда ҳар доим Михаил Сергеевични хам, Раиса Максимовнани хам кўрсатишяпти. Шунинг учун ҳеч қандай ўлчовларсиз, телевизорда кўрганларингдек ясанглари, дейишди. Тайёр бўлган жилетларни ўлчаб кўрганларида, улар эгаларига лоп-па-лойик келган ва кийимлари остидан умуман сезилмаган.

— Бизнинг ҳозирги президентимиз бунақа бронезилетдан фойдаланадими? — деб кизиқиб сўради НТВ журналисти.

Жавоб эса қуйидагича бўлди:

— Ўйлашимча, фойдаланади.

ОРАДАН 18 ЙИЛ ЎТДИ

Александр Шмонов ҳозирги кунда хам Простоквашина микрорайонидаги завод ётоқхонасида яшамокда. Кўни-кўшнилари орасида ҳурмати баланд, аёллари эса уни эъзозлашади. Ароқни эса оғзига хам олмайди. Ўзининг «жасорати» хақида у бундай дейди:

— Мен биринчи Горбачевни отаман, ўк унга тегиб, йиқилса, кейин Лукьяновни мўлжалга оламан, деб режалаштирдим. Чунки милтигим икки стволли эди.

— Бу ишингиз учун энди афсус қиласизми?

— Йўқ, мен отганим учун афсус қилмайман, ўқим нишонга тегагани учун афсусланаман. Шмоновнинг айтишича, у ўшандан бери кўлига милтиқ ушламаган. Репортёрлар эксперимент сифатида ўқ узиб кўрсатишларини илтимос қилишганда, биринчи отишдаёқ ўқни нишоннинг қок марказига жойлаб қўйган. Ўшанда, Кизил майдонда ўқ узганида эса президент билан унинг орасидаги масофа бор-йўғи 46 метр бўлган.

ЯНА БИР СУИКАСД

СССР КГБсининг 9-Бошқармаси 1-бўлимнинг бошлиғи, журналист Виктор Алейников хамда 9-Бошқарма бошлигининг ўринбосари Михаил Титков давлат раҳбари ва барча

Муаллиф:

03.10.2010 22:44 - Янгиланди 22.11.2010 06:08

Сиёсий бюро аъзоларининг хавфсизлиги учун масъул бўлишган. Горбачев даврида улар КГБдаги энг хурматли шахслардан хисобланган. Улар Бош котибнинг кўрикчиларини танлашган.

—1988 йилда Рейганнинг Москвага сафари муносабати билан аккредитациядан ўтган журналистлардан бири кўпоровчиликка кўл уриб, бирваракайига иккита президент— Рейган ва Горбачевни ўлдирмокчи эканлиги хакида хабар олдик. Бу пайтда иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларда олдинга силжиш бўлаётганди,—деб хикоя килади Михаил Титков— Учрашувда иштирок этиш истаги билан мингдан ортик журналист аккредитациядан ўтганди. Шу захоти олинган хабарни текшириш бошлаб юборилди. Аникланишича, президентларнинг умрига нукта кўймокчи бўлган журналистнинг хаётига санокли ойлар колган, у рак хасталиги билан огриётган экан. У буюртмачилардан олган миллион доллар эвазига суикасдни амалга оширмокчи бўлган экан. — У жосус бўлганми ёки журналист?

— Журналист. Аккредитациядан ҳам ўтган. Лотин Америкаси давлатларидан бирининг фукаро-си. Уўз вақтида курулсизлантирилиб, мамлакатимиздан чикариб юборилди ва орадан кўп ўтмай ўз уйида тинчгина жон берди.

ХРУШЕВНИ ЎЛДИРИШМОКЧИ

Грузиядаги кичкинагина кишлок нима учун Богдод деб аталишини хеч ким билмайди. Аммо Акакий Мдинарадзе номли террорчининг уйи каерда эканлигини хамма яхши билади. Рус тилида у охирги марта КГБ терговчиси билан гаплашган. Ўшанда у 1960 йил декабрь ойида Бош котиб Никита Хрушевни нима сабабдан ўлдиришга қарор қилганини айтиб берган. Террорчининг сўзларига караганда, Хрушев грузинларнинг шаънига ёмон гапларни айтгани учун уни отиб ташлашга ахд қилган экан! Суикасдга хамфикр бўлганлар тўрт нафар эди. Ёш ва кизиккон йигитлар «Тевтон қиличи» киносидаги воқеаларни амалда синаб кўришмокчи бўладилар. Улар томонидан тузилган режа айнан фильм воқеаларидан олинган эди: Ўнг тарафдаги оломон орасида бомба портлайди ва кўрикчилар ўша томонга югуришади. Котил айни шу дамда чап томондан Бош котибнинг қортежига ташланади.

Бу хакикий грузинча котиллик эди. Бомбани вино солинган хумчанинг ичига яширишади. Аммо котиллар режани амалга оширишга улгуролмадилар, Хрушевнинг Тбилисига сафарига беш ой колганда сир фох бўлиб, уларнинг барчаси хибсга олинади.

— Махфий режамиздан атиги биз тўрт киши хабардор эдик, аммо бизни ким сотганини хозиргача била олмайман, — дейди Акакий Мдинарадзе. Хрушевга суикасд қилмокчи бўлганлар узок йиллик камок жазосига хукм қилиндилар. Мдинарадзе қадах кўтарганида «Брежнев учун ичамиз! Айнан у бизларни лагердан озод қилди», дейиш унинг одатига айланади.

ЖОНЛИ ЭФИРДАГИ ОТИШМА

Муаллиф:

03.10.2010 22:44 - Янгиланди 22.11.2010 06:08

Космонавтларни кутиб олиш учун «Внуково» аэропортига КПСС Бош котиби Леонид Брежневнинг шахсан ўзи ташриф буюради. Давлат рахбари ва эндигина парвоздан кэйтган космонавтлар ўтирган лимузинлар Москвага караб йўл олади. Бу тадбирлар жараёни тўғридан-тўғри бутун мамлакатга трансляция килинаётган эди. Кортеж Боровицкиё дарвозасига етай деганда кўрсатув узилиб колди. Брежневга килинган суикасд бевосита бутун СССРга намойиш этилишига бир бахя колди!

Бундан кейин нима бўлди? КГБ камераларида олинган лавхалар оркали буни билиб олиш мумкин. Биринчи машина деярли Кремлда. Худди шу пайт космонавтлар оркага ўгириладилар ва милиция формасидаги киши оркаларидан келаётган лимузинни тўхтовсиз ўкка тутаетганини кўришади...

Орадан бир соат ўтиб космонавтлар яна жонли эфирда кўринади. Аслида нима воқеа юз бергани эса 25 йилдан сўнг ошкор этилди.

Террорчи Виктор Ильин бу ишга узок ва пухта тайёрланди. Хэрбий кисмда сакланаётган иккита тўппончани кўлга киритди, милиция формасини эса ўзининг бобосидан олди. — Хаммаси беш-олти секунд ичида бўлиб ўтди. Мия ишламай коларкан, сен шунчаки биологик машинага айланиб коласан ва барча харакатларингни автоматик тарзда бажараркансан, — деб эслайди бугун ўша воқеани Ильин.

Лимузинларнинг ойналари корайтирилгани учун Ильин хеч нарсани кўрмайди! Шунчаки таваккалига иш тутайди. Хайдовчига ўк тегиб, машина тўхтаб колади. У эса ўкузишдан тўхтамасди. Машинага 14 та ўктегади.

Брежневга килган суикасдининг иккинчи куни Ильин билдики, Бош котиб бошка машинада бўлган, у эса космонавт Леоновни ўлдиришига сал колган. Отишма натижасида КГБ полковниги огир яраланади, хайдовчи эса халок бўлади. Ўша пайтда машинада бўлган Леонов орадан 37 йил ўтгач, Ильин ундан кечирим сўраганда хам уни кечирмаган. Кўз ўнгида ёш хайдовчининг вафот этгани унга каттик таъсир килганди. Бош котибнинг хаётига тажовуз килгани учун Ильин йигирма йил давомида рухий касалликлар шифохонасида ётиб даволанди. Бу орада Брежнев вафот этди.

ЕЛЬЦИНГА АТАЛГАН БОМБА

Курилиш батальони майори Иван Кислов 1993 йил январ ойида Россия президенти Ельцинга суикасд уюштирмакчи бўлди. Иттифокни таркатиб юборгани учун у президентни кечира олмаётганди. Хабаровсклик майор Москвага ўзи билан иккита бомба олиб келади ва уларни чўнтагига солиб юради. Кунлардан бирида ёмгирда ивиб, бомбалар яроксиз холга келиб колади. Шундан сўнг у бошкача йўл тутишга карор килади. Ельцинни подъезди олдида кутади, аммо у чикмайди. У хатто ховли тозаловчи сифатида президент маъмуриятига кириб, давлат рахбарига якинлашиб, ёнида олиб юрган пичоги билан ташланмокчи бўлади. Аммо у билмасдики, бу ердаги хар бир ховли супурувчи хисобда туришини.

Адлия генерал-майори, 1993 йилда Москва гарнизони харбий прокурори бўлиб ишлаган

Рахбарларга килинган суикасд

Муаллиф:

03.10.2010 22:44 - Янгиланди 22.11.2010 06:08

Леонид Объектов шундай хикоя килади:

— Иван Кислов Москвага президентни ўлдириш учун келган. Биз унга расмий тарзда тўғридан-тўғри савол бердик: илгари бирон-бир рухий хасталик билан огриганмисиз? У «мен харбий хизматчиман ва ҳеч қандай касалга чалинмаганман, рухий ҳолатим жойида», деб жавоб берди.

Суд эса унинг рухий макomini ўзгартирди. Уни рухий жихатдан носоглом деб топишди. Кейин уни қўйиб юбордилар.

УМИД